O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 12 ноябрь, № 220 (4630) Чоршанба


# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

***«Навоий иссиқлик электростанцияси» очиқ акциядорлик жамияти фаолияти мустақиллик йилларида бутунлай янги босқичга кўтарилди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Негаки, Президентимиз томонидан мазкур тармоққа қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли ушбу корхонада диққатга сазовор ишлар амалга оширилди.***

**Модернизация**

Хусусан, мавжуд 12 та энергоблок техник ва технологик жиҳатдан қайта реконструкция қилиниб, модернизациялаш ишлари босқичма-босқич бажарилмоқда. Натижада шу йилнинг ўн ойида 6 миллиард 332 миллион 64 минг киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, бу борада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 118,8 фоиз ўсишга эришилди. Бу, ўз навбатида, Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари аҳолиси электр энергиядан узлуксиз баҳраманд бўлишига имконият яратди. Бундан ташқари, Навоий шаҳри аҳолиси ва вилоятдаги саноат корхоналарига 27 миллиард 547 миллион 173 минг сўмлик иссиқлик, 129 миллиард 409 миллион 477 минг сўмлик электр энергия етказиб берилди. Бунда 1400 кишилик жамоанинг заҳматли меҳнати мужассам, албатта.

Айни чоғда 2008-2009 йиллар куз-қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилгани, эскирган насос ва фильтрлар, қувур ва фитинглар янгилари билан алмаштирилиб, 2-буғ қозони, 6 ва 8-энергоблок қайта реконструкция қилингани бугун ўз самарасини бераяпти.

Станциянинг қувватини янада ошириш мақсадида 2009 йилнинг бошидан янги қурилмани қуриш ишлари жадал олиб борилаяпти. У ишга тушгач, ишлаб чиқариш қуввати 450 минг киловаттга ошади.



**СУРАТДА:** *жамият бош муҳандиси ўринбосари Шамси Қурбонов, ишчилар Амин Кенжаев ва Иззатулло Каримов.*

**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

***Тошкентда Алоқа соҳасида минтақавий ҳамдўстликнинг электр алоқа операторлари кенгаши ҳамда Электр алоқа бўйича минтақавий ҳамдўстлик комиссиясининг қўшма мажлиси иш бошлади. Унда Ўзбекистон, Россия, Беларусь, Молдова, Қирғизистон, Тожикистон алоқа маъмуриятлари вакиллари иштирок этмоқда.***

# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

**Анжуман**

Форумда давлатлараро йўналишларда тармоқларнинг ишончлилигини ошириш, янги электр алоқа хизматларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатадиган алоқа каналларининг ахборот хавфсизлигини яхшилаш масалалари кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, мажлисда телеграф тармоқларини модернизация қилиш, уларни маълумотлар узатиш канал ва тармоқларига ўтказиш, айрим мамлакатларда рақамлаштириш режалари, универсал телекоммуникация хизматлари фондини шакллантиришда алоқа операторларининг биргаликда иштирок этиши ҳам муҳокама этилади.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ҳ. Муҳитдинов мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган 2010 йилгача Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини реконструкция қилиш ва ривожлантириш миллий дастури босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётганини таъкидлади. Ўзбекистоннинг энг йирик телекоммуникация оператори ҳисобланган "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси ўз тармоқларини тубдан модернизация қилмоқда, замонавий технологияларни ўзлаштириш баробарида маълумотлар узатиш, Интернетдан фойдаланиш ва IP-телефония бўйича янги турдаги хизматларни жорий этишга асосий эътибор қаратмоқда. Бугунги кунда "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг маҳаллий телекоммуникация тармоғида 2 миллиондан ортиқ рақамга эга 2 мингтадан ортиқ АТС мавжуд. Ушбу рақамларнинг 86 фоизи рақамлаштирилган. Тармоқларнинг ишлаш сифати оширилди, Интернет тизимидан юқори суръатда фойдаланиш таъминланди.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Алоқа соҳасида минтақавий ҳамдўстлик билан самарали ҳамкорлик қилмоқда, ҳамдўстликнинг операторлари кенгаши таркибига киради, унинг йирик халқаро лойиҳаларида фаол иштирок этиб келмоқда, хорижий операторлар ва телекоммуникация ускуналарини ишлаб чиқарувчи компаниялари билан биргаликда ҳаракат қилмоқда.

Бундан ташқари, қўшма мажлис иштирокчилари МДҲ мамлакатларининг бир-бири билан ўзаро боғлиқ телекоммуникация маконини босқичма-босқич ташкил этиш жараёни, яқин келажакда Алоқа соҳасида минтақавий ҳамдўстлик фаолият дастурини муҳокама этмоқда, жаҳон ахборот ҳамжамиятига интеграциялашиш зарурлигини таъкидламоқда. Ҳозир бутун дунёда бўлгани каби МДҲ мамлакатларида ҳам энг янги ахборот-коммуникация технологиялари жадал суръатда жорий қилинмоқда ва бу жараён Ҳамдўстлик маконида энг устувор вазифалардан бири бўлиб қолиши керак.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



***Замонавий давлатчиликнинг асосий белгиларидан бири конституциядир. Ўзбекистонда давлатчиликнинг том маънодаги янги демократик тизимининг барпо этиш мақсадида қабул қилинган Конституциямизнинг асосий ғоялари, принцип ва қоидалари, умумэътироф этилган халқаро талаблар билан бирга, халқимизнинг минг йилликлар давомида шаклланиб келган қадриятларини ҳам ўзида мужассам этгани билан алоҳида ажралиб туради.***

# МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**Менинг Конституциям**

Мустақиллик йилларида Президентимиз таъкидлаганидек, Конституцияга мувофиқ, давлат ҳокимияти органларининг аввалги тоталитар тузумдан мутлақо фарқ қиладиган ҳокимиятларнинг, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши принципларига асосланган тизими яратилди. Маълумки, демократик давлатларда ҳокимиятнинг муҳим бўғини – қонун чиқарувчи ҳокимият. Зеро, у таъсирчан ижтимоий институтлардан бири сифатида давлат ва жамиятнинг тараққиёт йўлини белгилаш, халқ ва ҳокимиятнинг очиқ-ошкора мулоқотини таъминлаш билан боғлиқ долзарб вазифаларни бажаради. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда Олий Мажлисни шакллантириш ва унинг фаолиятини узлуксиз такомиллаштириб боришга йўналтирилган изчил сиёсат амалга оширилмоқда.

Чунончи, қисқа муддат ичида Ўзбекистонда қонун чиқарувчи органни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди, миллий парламентга хос вазифалар ва ваколатлар, унинг қонун ижодкорлиги, ижро ҳокимиятини назорат қилиш, парламентлараро алоқалар, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият йўналишлари белгиланди. Бундай долзарб масалалар, табиийки, энг биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топди. Хусусан, унинг бешинчи бўлими XVIII бобида Олий Мажлис палаталарининг мақоми, таркибий тузилиши ва шаклланиш принциплари, ваколатлари, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тартиби, раҳбар органларининг сайланиши ва фаолиятини мувофиқлаштириш асослари каби муҳим масалалар ҳуқуқий демократик давлат талабларига мувофиқ тарзда асослантирилган.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий демократик давлатни рўёбга чиқаришда қонун чиқарувчи ҳокимият, яъни парламентнинг ўрни беқиёс. Ҳокимиятнинг ушбу тармоғи кенг оммага энг яқин турадиган бўғиндир. Зеро, парламент аъзолари муайян ҳудудларда яшовчи халқнинг сайланган вакилларидир. Бу – ҳам юксак ишонч, ҳам бениҳоя катта масъулият.

(Давоми 2-бетда).

## СМРИ Бош котиби:
# «ЎЗБЕКИСТОН БИЗ УЧУН МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ КАЛИТИ БЎЛАДИ»

***Сингапурнинг энг етакчи газеталаридан бири бўлган «The Business Times» саҳифаларида Сингапур Межежментни ривожлантириш институти Бош котиби, доктор Р. Тейвендран билан суҳбат эълон қилинди. Унда мазкур нуфузли институтнинг хориждаги биринчи бўлими Ўзбекистонда очилгани хусусида сўз боради.***

**Эътироф**

Нашрда ёзилишича, СМРИ илк хорижий бўлимини очиш учун айнан Ўзбекистон танланишининг аҳамиятли жиҳати шундаки, мамлакатда аҳоли саводхонлиги даражаси ниҳоятда баланд бўлиб, мазкур кўрсаткич 98 фоиздан юқори. «БМТ маълумотларига кўра, Ўзбекистон маориф соҳаси энг юксак ривож топган давлатлар қаторига кириб, бу кўрсаткич 0,92га тенгдир, дунё бўйича ўртача кўрсаткич эса 0,77ни ташкил этади», деб ёзади «The Business Times».

Институтнинг Тошкентдаги бўлими биносининг қиймати 20 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, у Квинстаундаги марказий ўқув биносидан бир ярим баробар каттадир. Бинонинг расмий очилиш маросими 12 ноябрь куни бўлиб ўтиши кўзда тутилган.

Институтнинг илк 300 нафар талабаси жорий йил октябрь ойидан ушбу ўқув юртида сабоқ олишни бошлаб юборди. Доктор Тейвендраннинг сўзларига кўра, келгусида бу ерда беш минг талаба таълим олиши мўлжалланмоқда. «Барча машғулотлар инглиз тилида олиб борилади. Маҳаллий ўқитувчилар билан бир қаторда, Тошкентга СМРИ профессор ўқитувчиларининг бир гуруҳи ҳам келган», дейди сингапурлик олим.

Эътиборлиси шундаки, институтнинг барча битирувчилари сингапурлик талабаларга бериладиган дипломлар билан тақдирланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан халқаро диплом сифатида тан олинади.

«Сўнгги йилларда СМРИ ўзининг хорижий давлатлардаги фаолиятини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда, — дея давом этади Р. Тейвендран. — Энг қулай ҳамкорлар сифатида Вьетнам ва Хитой кўриб чиқилган эди. Бироқ СМРИ Ўзбекистон Банклар Ассоциациясининг ўрта бўғин раҳбарларини тайёрлаш борасидаги умумий қиймати 300 минг АҚШ долларига тенг бўлган шартномасига эришганидан сўнг, қисқа вақт ичида режаларимиз ўзгарди ва томонлар ўртасида муносабатлар қизғин ривожлана бошлади. Натижада СМРИнинг Тошкентдаги бўлимини очиш тўғрисидаги келишувга эришилди».

«Ҳозирги кунда институт бўлими ҳудудида сузиш бассейни, югуриш йўлакчаси, ёпиқ спорт майдони, меҳмонхона хизматчиларини тайёрлаш маркази, шунингдек, компьютер лабораторияси фаолият кўрсатмоқда», дейди СМРИ вакили.

Институт режалари ҳақида гапирар экан, доктор Тейвендран келгусида СМРИнинг хорижий бўлимлари Ҳиндистон ва Хитойда ҳам очилиши мумкинлигини таъкидлади.

**«Жаҳон» АА.**
Сингапур.

***Давлатимиз раҳбари воҳамизга ташрифи чоғида фермерлик ҳаракатига юқори баҳо бергани бизни беҳад руҳлантириб юборди.***

# ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЯДИ

**Дил сўзи**

1999 йилдан буён ферммерман. Ишни 30 гектар ерда бошлаган эдик. Ҳозирда 133 гектар майдонда деҳқончилик қилаяпмиз. Асосан пахта ва ғалла етиштирамиз. Чорвачиликни ҳам йўлга қўйдик. 90 бош қорамол, 240 бош қўйқўзи, 100 дона паррандамиз бор. Ҳар йили барча тармоқлар бўйича режаларимизни ортиғи билан уддалаяпмиз. Ўтган йили 180 млн. сўм даромад олгандик, бу йил уни 200 миллион сўмга етказишни мўлжаллаб турибмиз.

(Давоми 2-бетда).

**Хизмат**

***Китоб туманида яна бир янги молия муассасаси — "Plaza sarmoya" кредит уюшмаси иш бошлади. Унинг таъсисчилари 51 та юридик ва жисмоний шахслардир.***

# «PLAZA SARMOYA» — кредит уюшмаси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки лицензиясига мувофиқ иш олиб борадиган уюшманинг устав фонди 32,7 миллион сўм бўлиб, сармоядор ойига 3-4 фоиз қўшимча даромад олади. Уюшма аъзолари кредит олганда эса 4-5 фоиз устама тўлайди. Аҳолининг эркин пул маблағларидан самарали фойдаланишнинг бу усули кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

**Табиий газ ва электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш, уларнинг ҳақини ўз вақтида тўлаб бориш хонадонларимиз ободлиги кафолатидир**

Кундалик ҳаётимизда табиий газ ва электр энергиясининг аҳамияти бениҳоя катта. Айниқса, куз-қиш мавсумида бу неъматларнинг қадрини янада чуқурроқ ҳис этамиз. Айтайлик, хонадонимизда бир кун газ ёки чироқ бўлмаса, қанчалик ташвиш туғилади, кайфиятимизга таъсир қилади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар аввало инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган. Хусусан, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, маиший шароитини тобора яхшилаб бориш Юртбошимизнинг доимий эътиборида. Бу борада аҳоли хонадонлари, ижтимоий муассасалар, идора ва ташкилотларни узлуксиз табиий газ ва электр энергияси билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимизнинг шу йил 29 майда қабул қилинган "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2008-2009 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган.

Аҳоли, корхона ва ижтимоий объектларга табиий газ, электр энергиясини қиш мавсумида узлуксиз етказиб бериш мақсадида жойларда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Энергия ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш мақсадида замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Мазкур йўналишдаги ишлар натижасида аҳоли хонадонларида, ташкилот ва корхоналарда газ ва электр таъминоти янада яхшиланмоқда.

Уйимизда чироқ ўчмаслиги, газ босимининг меъёрида бўлиши кўп жиҳатдан тўловнинг ўз вақтида амалга оширилишига боғлиқ. Нега деганда қарздорлик кўпайиб кетса, таъминот ҳам ёмонлашади. Бироқ электр энергияси ва табиий газдан қонунга мувофиқ равишда фойдаланиш, тўловни ўз вақтида амалга ошириш, бу бебаҳо неъматларни тежамкорлик билан ишлатишда муаммолар мавжудлиги таъминотда муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кўпаймоқда

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2008** йилнинг тўққиз ойи ичида республикамизга жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми **33,5** фоизга ўсди.



Мамлакатимизда чет эллик инвесторлар учун қулай муҳит яратилгани ва жойларда Инвестиция дастури изчил амалга оширилаётгани туфайли шундай ўсиш таъминланди.



# МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда эришилган барча ютуқлар негизида парламентнинг фаол саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган замонавий ҳуқуқий тагзамин ётади, десак муболаға бўлмайди. Ўтган давр мобайнида парламент фаолияти такомиллашиб, умумэътироф этилган демократик тамойилларга тобора уйғунлашиб бормоқда. Бу ҳақиқат нафақат халқимиз, балки халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Ўзбекистондаги парламентаризм тажрибаси хорижий мутахассисларнинг диққатини тортмоқда. Бунинг сабаби эса, Ўзбекистон қонун чиқарувчи органининг демократизм ва парламентаризмнинг умумэътироф этилган анъаналарига таяниб фаолият кўрсатаётганидир.

Мана, Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганига 16 йил тўлмоқда. Мазкур даврда мамлакатимизда туб ўзгаришлар юз берди, улкан ютуқлар қўлга киритилди.

Хусусан, ана шундай ютуқлар қаторига бугун ҳақли равишда Ўзбекистон парламентининг замонавий демократик тажрибалар ҳамда асрлар давомида шаклланган миллий ўзлик билан боғлиқ қадриятларни ўзида мужассам этган қонун чиқарувчи олий органга айланганини киритиш мумкин. Парламентимизнинг бундай самарали ривожланиши замирида Юртбошимиз раҳнамолигида яратилган, чуқур ўйланган ва пухта ишлаб чиқилган Конституциямиз ётади десак, асло муболаға бўлмайди. Чунки Конституцияда парламентнинг ташкил этилишидан бошлаб, унинг шаклланиш босқичлари, ваколатларининг кенгайиб бориши учун зарур ҳуқуқий меъёрлар ўз тажассумини топган. Жумладан, Конституциянинг 9-моддасида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади, деган принцип муҳрлаб қўйилган. Шунинг асосида 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми якунларига мувофиқ, Ўзбекистон халқи бир палатали парламентдан икки палатали Олий Мажлисга ўтиш лозимлиги ҳақидаги иродасини изҳор этди. Ушбу ирода кейинчалик Олий Мажлис томонидан қабул қилинган "Референдум якунлари ва давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларда ўзининг ҳуқуқий ифодасини топди. Бунинг натижасида ваколатлари янада кенгайтирилган Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат икки палатали парламент фаолиятининг ҳуқуқий асоси яратилди.

Бунинг самарасини биз, энг аввало, қонунларимизнинг пишиқ-пухталигида, уларнинг халқаро андозалар билан тобора чуқурроқ уйғунлик касб этаётганида, бошқача айтганда, ҳам замонавий тараққиётнинг энг илғор ютуқлари, ҳам миллий ўзлигимизни белгиловчи қадриятлар бардавомлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий заминнинг узлуксиз мустаҳкамланиб бораётганида кўришимиз мумкин.

Маълумки, сиёсий партиялар ҳар қандай парламентнинг фаолиятини ҳаракатга келтирувчи "юрак" вазифасини бажаради. Мустақиллик йилларида сиёсий партияларнинг амалий тажрибаси ва сиёсий нуфузи муттасил ошиб бормоқда. Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий тараққиёт тақозоси ила партиялар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, уларни ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳал қилувчи механизмига айлантириш учун лозим ҳуқуқий муҳитни кучайтириш заруратини чуқур идрок этган Президентимиз "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини парламентга тақдим этди. Мазкур фундаментал қонунларнинг қабул қилиниши демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, уларнинг изчиллигини оширишга янги имкониятлар яратиб берганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу қонунлар, аввало, сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда, уларнинг давлат ҳокимиятини ташкил қилиш, жамоат назоратини амалга ошириш ва қарорлар қабул қилинишидаги ролини кучайтириш имкониятларини беқиёс кенгайтирмоқда. Мазкур қонунларнинг қабул қилинишини мантиқан сиёсий партияларнинг ўтган даврда тўплаган сиёсий тажрибаси ва уларнинг салоҳиятига билдирилган ишонч дея баҳолаш ҳам мумкин. Энг муҳими, ушбу қонунлар умумий ижтимоий-сиёсий фаолликни ошириш, ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этиш органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг кенг иштироки учун зарур бўлган ташкилий-ҳуқуқий шароитларни вужудга келтирди. Бунинг натижасида фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий масалаларни ҳал қилишдаги иштирокини таъминлайдиган имкониятлар янада кенгайди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, икки палатали парламентнинг барпо этилиши мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат учун хос бўлган муҳитни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинаётган қонунлар адолатли фуқаролик жамиятининг табиий равишда ривожланиши учун лозим шароитларни яратиб бераётир. Бошқача айтганда, юртимиз парламенти нафақат турли ижтимоий қатламлар, балки шу билан бирга минтақавий манфаатларни ҳам эътиборга олаётган, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини янада тўлиқроқ ифодалаётган том маънодаги халқ минбарига айланмоқда.

**Ражаббой РЎЗМЕТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қўллаб-қувватланаётгани, ишбилармонларга барча шарт-шароитлар яратилиб, улар ҳар томонлама рағбатлантирилаётгани, айниқса, солиқ юкини камайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилаётгани туфайли бу соҳанинг иқтисодиётдаги салмоғи тобора юксалиб бормоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси ўтган йилнинг шу давридаги 43,1 фоиз ўрнига 45,3 фоизгача ошгани шундан далолат беради.**

# КИЧИК БИЗНЕС ЯНАДА РАВНАҚ ТОПАДИ

Вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳудудий дастурларига мувофиқ эса, бу кўрсаткични шу йилнинг охиригача 48 фоизга, 2010 йилга бориб, 50-52 фоизга етказиш мўлжалланмоқда. Кеча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талаблари билан танишган ҳар бир киши ана шу эзгу мақсаднинг тўла-тўкис рўёбга чиқишига яна бир карра ишонч ҳосил қилди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

### Фармонни ўқиб

Гап шундаки, мазкур Фармон "Микрокредитбанк"нинг капиталлашуви даражасини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ҳамда жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишда банкнинг иштирокини кенгайтириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини фаоллаштириш ва касаначиликни ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг мини технологиялар ва замонавий технологик ускуналарни харид қилиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун имтиёзли кредитлардан кенг кўламда фойдаланишларини таъминлашни кўзда тутади.

Шулардан келиб чиқиб, аввало, 2008-2009 йилларда "Микрокредитбанк"нинг устав капитали қўшимча 72 миллиард сўмга кўпайтирилиб, унинг умумий миқдори 150 миллиард сўмга етказилади. Натижада бу банк мақсадли имтиёзли кредитларни ажратиш орқали янги корхоналар ва иш ўринларини яратиш учун бошланғич капитални шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, айниқса, қишлоқ жойларда яқиндан кўмаклашади. Тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш, хом ашё ва материалларни кейинчалик қайта ишлаш учун харид қилиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан бойитиш, шунинг ҳисобидан қўшимча иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида ўз айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлардан фойдаланишларига кенг йўл очиб беради. Улар томонидан корхоналарни техник ва технологик жиҳозлаш, модернизация қилиш учун замонавий ускуналар ҳамда мини технологияларни сотиб олиш, микролизинг шартлари асосида харид қилишлари учун шарт-шароитлар яратади. Фермер ва деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган мини технологияларни, чорва моллари, уй паррандалари, уруғлик ва кўчатларни сотиб олишга, дала ва боғ неъматларини етиштириш, экинлар ва мевали дарахтларни суғориш, тупроққа ишлов беришнинг замонавий технологияларини жорий этишга микрокредитлар ажратиб, микролизинг бўйича хизмат кўрсатади. Тадбиркорлар ишлаб чиқарадиган рақобатбардош маҳсулотларнинг кўргазма-ярмаркаларини уюштириш, реклама кампанияларини ўтказиш, шунингдек, бу маҳсулотларни ташқи ва ички бозорларга олиб чиқишнинг бошқа шаклларини ташкил этиш юзасидан уларга ёрдамлашади. Қолаверса, микрокредитлаш ва микролизинг бўйича хизматларни кенгайтириш ниятида халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ва грантларини жалб этади.

Фармоннинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, "Микрокредитбанк" АТБ томонидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 18 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги имтиёзли микрокредитлар бўйича йиллик юқори ставка 5 фоиздан 3 фоизга камайтирилади. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун 24 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридаги микрокредитларни қайта молиялаштириш ставкаси 100 фоиздан 50 фоизга озайтирилади. Улар учун 3 йилгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдоридаги имтиёзли микролизинг хизматлари бўйича йиллик юқори ставка эса 7 фоиздан 5 фоизгача туширилади.

Шу билан бирга, Фармонда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун аввал олинган микрокредитлар, унга қўшилган фоизларини ўз вақтида, тўлиқ қайтариб берган тадбиркорлик субъектлари кичик бизнесни янада ривожлантириш учун янги микрокредитлар олишда устуворлик ҳуқуқига эга бўлишлари белгилаб қўйилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Буларнинг бари республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан ишбилармонлар, фермерлар ва деҳқон хўжаликларига яратилган янги кенг кўламли имкониятлардир. Уларнинг бу имкониятлардан оқилона фойдаланишлари, ўз навбатида, иқтисодиётимиз ривожини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини янада яхшилаш учун хизмат қилади, албатта.

**Икром ЎТБОСАРОВ.**

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

***Косонсой шаҳридаги Маҳдуми Аъзам маҳалласида ўтказилган йиғин раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида қатнашган 78 нафар вакил ўзлари ишонч билдирган уч ярим минг аҳолининг фикрини якдил изҳор этди: кўпчилик манфаатини ўз ҳузур-ҳаловатидан устун қўядиган, эзгу ишларга бош ҳамда ножўя хатти-ҳаракатларга тўсиқ бўла оладиган, ҳар соҳада ибрат номзодга овоз берамиз. Шундай инсонни сайлайликки, унинг раҳбарлигида маҳалламиз янада гуллаб-яшнасин, яхши амаллар чуқурроқ илдиз отсин.***

# МУНОСИБЛАР ТАНЛАНМОҚДА

Вакиллар бу гапни бекорга айтишгани йўқ, чунки улар маҳаллада шаклланган аҳиллик, тинчлик-тотувлик, яратувчилик муҳитини кўпчиликнинг бошини қовуштириш қобилиятига эга бўлган ана шундай оқсоқолнинг фаол иш юритиши билан боғлашадида. Мана, Косонсой соҳили бўйлаб чўзилиб кетган мазкур гўшада кейинги икки-уч йилнинг ўзида кўплаб ободончилик юмушлари амалга оширилди. Каттагина гузар, унинг атрофида савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари қад ростлади. Уларнинг бунёдкори йиғин раисининг истиқболли таклифларини қўллаб-қувватлаган тадбиркор маҳалладошлар бўлишди. Масалан, Ёқубхон Шарофатхўжаев минимаркет, гўшт дўкони, сартарошхона, электр жиҳозларни таъмирлаш устахонаси қуриб берди, Лолахон Орипова эса мўъжазгина тикувчилик цехи очиб, 20 нафар қиз-жувонни ёнига олди. Ҳаммасидан ҳам Маҳмудхон Пўлатов қўл урган хайрли иш барчага бирдай маъқул тушди. Ҳудудда фойдаланилмай ётган таъмирталаб бино бу саховатли инсоннинг саъй-ҳаракати билан шинамгина шифохонага айланди. Айни чоғда 32 ўринга эга мазкур саломатлик масканида 10 нафарга яқин шифокор маҳалладошлар дардига малҳам бўлишяпти. Бундай тадбирлар, энг аввало, қўшимча ишчи ўринлари деганидир. Табиийки, ёш-ялангларнинг кўпчилиги шундоққина уйларининг ёнидаги мазкур шахобчаларда меҳнат қилишаётир.

Фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчиларнинг навбатдаги сайловига ҳозирлик жараёнида фаолият кўрсатган ишчи гуруҳи кўпчиликдан маҳаллада вужудга келган муҳитни янада мустаҳкамлаб, бошланган хайрли ишларни изчил давом эттирадиган инсон ўзларига етакчи бўлиши зарурлиги билдирилган қатор амалий таклифлар олди. Шуни айтиш керакки, йиғин раислигига рўйхатга олинган уч номзоднинг бари оқсоқоллик вазифаси учун қўйилаётган талабга тўла жавоб бера оладиган обрў-эътиборли кишилар бўлиб, улар орасидан энг муносибини танлаб олиш ҳам унчалик енгил вазифа эмас эди. Демократик тамойиллар асосида, очиқ-ошкоралик вазиятида ўтган сайлов бу масалани адолатли ҳал қилиш имконини берди.

— Маҳалла чинакам демократия мактаби эканлиги бугунги сайловда яна бир бор кўзга ташланди, — дейди пенсионер Абдураҳмон Умаров. — Азалий анъана ва қадриятларимиз эъзоз топаётган бу маскан сайлаш-сайланиш борасида ҳам ўзига хос сабоқ берди. Масалан, сайловга ҳозирлик бошланганидан буён ўтган давр мобайнида бу ишга четдан бирор-бир таъсир ёки аралашувни сезмадик. Аксинча, номзодларни ҳар тарафлама ўрганиб чиқишимиз, сўнгра ўз сўзимизни айтишимизга шароит яратилди. Мана, сайлов ҳам ўтди, энди барча гап маҳалладошларимиз чуқур манфаатдорлик руҳида овоз берган оқсоқол ва маслаҳатчиларнинг кўпчилик ишончини оқлашида!

Вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раиси ва маслаҳатчилари сайлови қизғин ўтмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Албатта, мутасадди идоралар томонидан бу борада тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда — қарздорлар, электр энергияси ва табиий газдан ноқонуний фойдаланаётган фуқаролар ҳамда корхона, ташкилотлар тармоқдан узиб қўйилмоқда. Уларга тегишли жавобгарлик чоралари ҳам қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасидан маълум қилишларича, жорий йилнинг 1 октябригача солиқ идоралари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида 819 истеъмолчи томонидан 1864,3 миллион сўмлик электр энергия қоидага зид равишда истеъмол қилингани аниқланган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрда қабул қилинган Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори талабларининг бажарилиши юзасидан ўтказилган мониторинглар натижасида Фарғона вилоятининг Данғара туманидаги "Баракали бошоқ", "Э.Эгамов" фермер хўжаликларида электр ҳисоблагич приборларидан носоз ҳолатда фойдаланилаётгани аниқланган. Шунга ўхшаш ҳолатлар вилоятнинг Бағдод туманидаги бир қатор фермер хўжаликларида ҳам қайд этилган.

Жиззах шаҳридаги "Наврўз айёми" хусусий фирмаси томонидан янги бино қурилишида электр энергиясидан тўғридан-тўғри — электр ҳисоблагичларсиз фойдаланилаётгани маълум бўлди.

Аниқланган бундай камчиликлар юзасидан 476 корхона ва ташкилотнинг 722 мансабдор шахсига нисбатан 61,6 миллион сўмлик маъмурий жарималар қўлланилди. Қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 135 ҳужжат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига юборилган.

Сир эмас, бугун дунёда ёқилғи-энергетика тақчиллиги кузатилмоқда. Бу муаммо юксак тараққий этган давлатларни ҳам қаттиқ ташвишга солмоқда. Шукурки, саховатли заминимиз табиий захираларга бой. Мамлакатимизда бу соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида газ, кўмир қазиб олиш, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ошиб бораётир. Истеъмолчиларга етказиб берилаётган газ, электр энергиясининг нархи бошқа кўплаб мамлакатларга қараганда бир неча баробар арзон.

Аммо, афсуски, кундалик турмушимизда газ ва электрдан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳоллари кўп учрайди. Эҳтиёж бўлмаса-да, газ ёки чироқнинг ёниқ туриши, тармоқлардаги носозликлар туфайли рўй берадиган йўқотишлар шулар жумласидандир. Одатда, нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини исроф қилиш гуноҳ ҳисобланади. Бу борада панду насиҳатларни, ибратли ўгитларни кўп эшитамиз. Исроф бўлаётган газ, кўмир ёки электр ҳам зиёнга йўл очишига эса эътибор бермаймиз.

— Бугунги ҳаётимизни коммунал хизматларсиз тасаввур қилиш қийин, — дейди оҳангаронлик меҳнат фахрийси Неъмат ота Умаржонов. — Газ ва электрнинг узлуксиз етказиб берилаётгани туфайли хонадонларимиз иссиқ ва чароғон. Шунга яраша уларнинг ҳақини ўз вақтида тўлаб боришга ҳаракат қиламиз. Афсуски, ҳамма ҳам шундай йўл тутмайди. Оқибатда қарздорлик пайдо бўлиб, таъминотчи корхоналар фаолиятида муаммолар пайдо бўлади. Биз бундай бебаҳо неъматларни қадрлашимиз, тежаб-тергаб фойдаланишимиз, тўловларни ўз вақтида тўлаб боришимиз зарур. Қарс икки қўлдан чиқади, деб бежиз айтилмайди-ку.

Хонадонларимизни чароғон этиб турган электр, қозонимизни қайнатиб, оиламизга файз бахш этаётган газ ҳам истеъмолчига етиб келгунча мураккаб технологик жараёнларни, минглаб соҳа фидойиларининг заҳматли меҳнатини талаб этишини инобатга оладиган бўлсак, масаланинг моҳияти янада ойдинлашади.

Ҳа, миллий бойлигимиз бўлган табиий газ ва электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланиш, уларнинг ҳақини ўз вақтида тўлаш, ён атрофимиздагиларни ҳам шунга даъват этиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зеро, ушбу неъматларда нафақат бизнинг, балки келажак авлодларнинг ҳам ҳаққи бор.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**



### Интилиш

# КОРХОНАДА ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

***Марғилон шаҳри аҳолисининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда "Ризқ-рўзимиз" акциядорлик жамияти жамоасининг муносиб ҳиссаси бор.***

Ҳозир бу ерда 12 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти.

"Сайка", "Батон", кулча ва ширмой нонларга, айниқса, талаб ортиб бораяпти. Ишлаб чиқаришда бундай талаб ва эҳтиёжларнинг инобатга олинаётгани туфайли шу йилнинг ўтган даврида истеъмолчиларга 2500 тонна нон маҳсулотлари етказиб берилди.

Яқинда қандолат цехининг ишга туширилгани имкониятларни янада кенгайтириб юборди. Эндиликда корхона йилига 50-60 тонна ширинликлар ишлаб чиқаради.

**СУРАТДА:** жамият лабораторияси мудираси Лола Қосимова.

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

# Имкониятлар кенгаяди

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Даромадга яраша буромад" деганларидек, 15 тадан ортиқ техникамиз мавжуд. Комбайн, юк машинаси, ҳайдов ва чопиқ тракторлари, чорвачилик агрегатлари, ишчиларга хизмат қилувчи микроавтобус шулар жумласидандир. Бундан ташқари, устахонамиз, 4 та кўчмас, 3 та кўчма сув насосимиз оғиримизни енгил қилмоқда.

Чорва қишловини беталафот ўтказиш учун 720 тонна силос, 400 тонна дағал хашак, 35 тонна беда пичанини ғамлаб қўйдик. Омихта емимиз ҳам етарлича бор. Бу бир йилда 16-18 тонна гўшт етиштириш имконини беради.

Президентимиз биз, фермерлар билан учрашуви чоғида кичик фермер хўжаликларини бирлаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтди. Бу — тўғри йўл. Негаки, шундай қилинса, фермерларнинг имкониятлари янада кенгаяди. Хўжалиги йирик бўлган мулкдор эса ўз тажрибасига таяниб иш кўриши, изланиши, ташаббус кўрсатиши орқали эл-юрт фаровонлигига хизмат қилади.

**Рустам ЗАРГАРОВ,**
**Хоразм вилояти Гурлан туманидаги «Обод» фермер хўжалиги раҳбари.**

# ИНОБАТ – МИНТАҚАВИЙ БОСҚИЧ ҒОЛИБИ

***Термиз шаҳрида «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда танловнинг Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоят босқичларида ғолиб чиққан маслаҳатчилар ўзаро куч синашдилар.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ жойларда иш бошлаган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар маҳаллаларда оилаларни, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашда, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда. Маънавий-маърифий ишлар кўламини кенгайтириш, аҳоли, айниқса, ёш авлод қалбида халқига садоқат, Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантириш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашда ҳам уларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Мазкур танлов маҳалла маслаҳатчиларининг бу борадаги тажрибасини оммалаштириш ва малакасини оширишда, энг намунали маслаҳатчиларни аниқлаш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Танлов доирасида маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида ишлаб чиқарилган амалий санъат намуналари, халқ истеъмоли моллари кўргазмаси ташкил этилди. Танлов шартларига кўра, маслаҳатчилар ўз ҳудудларида амалга оширилаётган ишлар, ўз билим ва маҳоратини намойиш этди. Уларнинг кўргазмали чиқишлари, қобилият ва билим даражаси муносиб баҳоланди.

Кўрик-танловда Қашқадарё вилояти Косон туманидаги «Жиззахлик» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Инобат Арслонова биринчи ўринни қўлга киритиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди. Термиз шаҳридаги «Жўйжангал» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Турсуной Бойхонова ҳамда Жиззах шаҳридаги «Оққўрғонлик» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Ўғилой Комилова кейинги ўринларни эгалладилар.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 11 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 928,16 | 1 Малайзия ринггити | 383,31 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2145,02 | 1 Польша злотийси | 477,08 |
| 1 Дания кронаси | 234,41 | 1 СДР | 2014,35 |
| 1 БАА дирҳами | 369,16 | 1 Туркия лираси | 879,03 |
| 1 АҚШ доллари | 1355,38 | 1 Швейцария франки | 1155,09 |
| 1 Миср фунти | 245,76 | 1 ЕВРО | 1744,37 |
| 1 Исландия кронаси | 10,48 | 10 Жанубий Корея вони | 10,19 |
| 1 Канада доллари | 1151,16 | 10 Япония иенаси | 137,24 |
| 1 Хитой юани | 198,66 | 1 Россия рубли | 50,19 |
| | | 1 Украина гривнаси | 233,73 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## МАДАНИЯТ *хабарлари*

### ЯГОНА ОИЛА БАҒРИДА

***Зарафшонда фаолият юритаётган рус, қозоқ, татар-бошқирд маданий марказлари қаторига янгидан ташкил этилган озарбойжон маданий маркази ҳам қўшилди.***

Бу ерда Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларида истиқомат қилаётган озарбойжон миллатига мансуб фуқароларнинг қадим анъаналари ва урф-одатига бағишланган турли тадбирлар ҳамда учрашувлар ўтказилади. Шунингдек, ўзбек ва озарбойжон халқлари дўстлиги ҳамда қардошлигини намоён этувчи кечалар уюштирилади.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### РАСМЛАРДА ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ

***Самарқанд давлат музей қўриқхонасида истеъдодли мусаввир Аслиддин Исаев ижодига бағишланган расмлар кўргазмаси очилди.***

Турли йилларда Париж, Москва, Калькутта каби шаҳарларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этган муаллиф бу гал табиат гўзалликлари, юрт манзаралари акс эттирилган юздан зиёд асарларини санъат ихлосмандлари ҳукмига ҳавола этди.

— Ўзбекистон манзараларини ёрқин бўёқларда гавдалантирган ранг-тасвир асарлари ўзининг бетакрорлиги билан дилларга завқ бағишлайди, — деди томошабин Ў. Ҳайдаров. — Айниқса, тонг пайтида қуёшнинг чиқиб келиши, майсалардаги кумушсимон шудринг, уфққа ҳайрат билан боқиб турган болакай тасвирланган суратлар кўпчиликка манзур бўлмоқда.

**С. АБДУРАСУЛОВ.**

***Юртимиз табиати бетакрор. У инъом этган неъматларнинг эса саноғи йўқ. Дала-дашт, тоғу тош, сою сайҳонларда, бир сўз билан айтганда, табиат қучоғида мириқиб ҳордиқ чиқараётган киши унинг қадрини яхши тушунади. Борди-ю, сиз баҳаво, барча қулайликларга эга, ҳар қандай дардга даво санаторийда дам олаётган бўлсангиз, буни энди сўз билан таърифлаш анча мушкул...***

***Мухбиримиз Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Курортлар бошқармаси бошлиғи Акмал ЙЎЛДОШЕВ билан соҳада амалга оширилаётган ишлар, мижозлар учун яратилаётган қулайликлар хусусида суҳбатлашди.***



## Курорт-сиҳатгоҳлар:
# ҲАМ ДАВОЛАНАСИЗ, ДАМ ОЛАСИЗ

**— Кейинги йилларда инсон саломатлигига эътибор яна ҳам кучайтирилди. Албатта, бу борада санаторийларнинг ўрни беқиёс.**

— Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб ривожланиб бораётган бозор муносабатларига мос равишда курорт хизмати сифатини янада ошириш, уни шу йўналишда эришилган ютуқларга таянган ҳолда ташкил этиш муҳим вазифа сифатида белгиланган эди. Ҳозирда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Курортлар бошқармаси таркибида 16 та санаторий мавжуд. Уларда бир пайтнинг ўзида 3 минг нафарга яқин киши дам олиш ва даволаниш имкониятига эга.

Баъзи маълумотларга мурожаат этайлик: ҳар йили 68-70 минг нафар киши муассасаларимизда дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлаб қайтишмоқда. Бизни қувонтирадигани шуки, уларнинг асосий қисми мамлакатимиз аҳолиси ва меҳнаткашлари бўлса, бир неча минг нафарини яқин ва узоқ хорижий давлатлар фуқаролари ташкил этади. Бу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб бораётир.

**— Айтингчи, кейинги йилларда соҳани ривожлантириш учун айнан қандай ишлар амалга оширилди?**

— Истиқлол йилларида халқимизнинг санаторийларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида санаторий-курортлар тармоғини ривожлантириш, биноларни таъмирлаш, янгиларини қуриш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Аввало, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда санаторийларимизнинг мулкчилик шакли ўзгартирилиб, очиқ акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятларга айлантирилди. Маълумки, мазкур жамиятларнинг асосий мақсади кўпроқ даромад олиш, инвестицияларни жалб этиш, асосий ва айланма фондларни ошириш, даволаш ва маиший хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш ҳамда ходимларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва қўшимча иш ўринлари яратишдан иборат. Айтиш лозимки, бу борадаги ишларимиз кўнгилдагидек бораётир.

Бундан ташқари, мижозларга қулайлик яратиш мақсадида 3-4 ўринли хоналардан воз кечилмоқда, ҳозирда хоналарнинг асосий қисми 1-2 ўриндан иборат. Шунингдек, жаҳон меъёрларига мос келадиган оилавий ва "люкс" хоналар ва коттежлар ташкил этилмоқда. Шу билан бирга кундузги даволаниш хоналари ҳам йўлга қўйилган.

Экологик ноқулай шароитларда яшовчи Оролбўйи аҳолиси учун Қорақалпоғистон Республикасида 75 ўринли "Гулпаршин" ва 35 ўринли "Айдосқалъа", Хоразмда 110 ўринли "Хонқа" санаторийлари қурилди.

"Қашқадарё соҳили" санаторийсида ташхис ва даволаш маркази биноси, маданият саройи ва замонавий услубдаги ошхона фойдаланишга топширилди. "Абу Али ибн Сино" санаторийсида эса даволаш-ташхис биноси қуриб битказилди. Шунингдек, "Чортоқ" ва "Бўстон" санаторийларида сув билан даволаш мажмуаси очилди.

**— Ҳар бир санаторий қайсидир касалликни даволашда наф берадиган минерал сувлари билан ном чиқарган. Шу маънода бошқармага тегишли муассасаларнинг ихтисослашуви хусусида ҳам гапирсангиз.**

— Аслида табиатимиз бетакрор. Шу боис минерал сувларимиз ҳам шифобахш. Масалан,



"Чимён" санаторийсининг минерал сувини олиб кўрайлик. Олтингугуртли бу сув шифобахшлиги борасида Сочининг машҳур "Мацеста" сувларидан асло қолишмайди. "Чортоқ" ва "Хонқа" санаторийларининг минерал суви йод ва бромга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. "Чинобод", "Турон", "Бўстон", "Ботаника", "Ситораи Моҳи Хоса", "Қашқадарё соҳили", "Косонсой" санаторийлари сувлари эса "Саки" ва "Евпатория" санаторийлари сувидан қолишмайдиган даражада хлорид-гидрокарбонат-натрий билан тўйинган бўлиб, у ошқозон-ичак хасталикларини даволашда фойда бериб келаётир. Бундан ташқари мутахассислар "Абу Али ибн Сино" даволаниш масканининг минералли суви "Пятигорск"нинг родонли суви билан бир хил эканлигини аниқлашган.

Табиийки, ҳар бир санаторий ўз ҳудудидаги минералли сув ва мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда мослаштирилган. Мисол учун, 10 та санаторий кўп ихтисосли, 6 таси эса маълум касалликларни даволашга ихтисослашган. "Турон" юрак-қон томир хасталикларини даволашга ихтисослашган бўлса-да, у ерда асаб тизими, андрология ва гинекология касалликлари ҳам даволанади. "Зомин" ва "Оқтош" санаторийлари эса тоғ ҳудудида жойлашгани боис асосан нафас олиш аъзолари хасталикларини даволашга йўналтирилган. "Умид гулшани"да асосан аёл ва эркаклардаги бепуштлик хасталиги муолажа қилинади. "Ситораи Моҳи Хоса" эса буйрак ва пешоб йўллари касалликларини даволашга ихтисослашган ягона даво масканидир.

▼ **Саломатлик**

Айтиш лозимки, бу муассасаларнинг барчасида балчиқ билан даволаш усули кенг қўлланилади. Сульфидли бу балчиқ Жиззах вилоятининг балиқли кўлидан келтирилган бўлиб, махсус ўраларда сақланади. Шу билан бирга парафинлар воситасида суяк, бўғим, мускул, асаб тизими, овқат ҳазм қилиш органлари ва гинекологик касалликларни даволаш усули барча муассасаларимизда йўлга қўйилган.

**— Санаторийлар нафақат даволаш муассасаси, балки дам олиш ва маданий-маърифий маскан ҳам ҳисобланади. Бунинг учун қандай шароитлар мавжуд, қандай тадбирлар ўтказиб турилади?**

— Курортлар бошқармасига қарашли санаторийлар ихтиёрида 16 та маданият саройи ва клублар мавжуд. Уларда шоир, ёзувчи, санъаткор ва маданият арбоблари билан учрашувлар ўтказиш яхши анъана тусини олган. Шу билан бирга байрам кечалари, кинофильмлар намойиши тез-тез уюштириб турилади. Шунингдек, муқаддас қадамжо ва зиёратларга, музей ва театрларга саёҳатлар режали асосда йўлга қўйилган.

Бир неча йиллардан буён Курортлар бошқармаси тизимида хизмат қилаётган ҳамширалар ўртасида Республика кўрик-танловини ўтказиб келаяпмиз. Охиргиси яқинда Фарғона вилоятида ўтказилди. Бу тадбирдан кўзланган мақсад — ходимларимиз орасида кўтаринки руҳни таъминлаш, шунингдек, уларнинг ўз касбига бўлган муҳаббатини, касб маҳоратини янада оширишга ҳисса қўшишдан иборат. Ўйлаймизки, бу кўрик-танлов ҳар жиҳатдан ўзини оқлаб келаётир. Келгусида уни нафақат бошқарма тизимидаги, балки мамлакатимиздаги барча санаторийлар танловига айлантириш режамиз ҳам йўқ эмас.

Дам олувчи ва даволанувчиларнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳам шароитлар мавжуд. Аввало, барча сиҳатгоҳларимизда даволаш-бадан тарбия хоналари борлигини айтиб ўтиш лозим. Кичик-кичик спорт майдончалари ҳам қурилган. Уларнинг барчаси мутахассислар ва спорт анжомлари билан тўла таъминланган.

Мақсадимиз — дам олувчи ва даволанувчиларнинг нафақат соғлиғини мустаҳкамлашга эришиш, балки уларнинг руҳий жиҳатдан тетиклигини таъминлашдан ҳам иборат.

**— Мақсад — улкан. Унга эришиш эса осон кечмайди. Негаки, бу шифокор ва мутахассисларнинг малака ва тажрибасига бевосита боғлиқ...**

— Жуда тўғри. Бошқармага қарашли санаторийларда 3 минг нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилиб келмоқда. Шу жумладан, 220 нафари шифокор, 500 нафари ўрта тиббиёт ходими бўлиб, уларнинг 80 фоизи малака тоифасига эга. Қолаверса, тиббиёт ходимларимизнинг малакасини ошириб бориш режали асосда олиб борилмоқда. Мисол учун, кейинги йилларда 135 нафар шифокор ва 350 нафар ҳамшира малака ошириш масканларида билимларини мустаҳкамлаб қайтишган.

Шу ўринда айтиш лозимки, малака ошириш ишлари нафақат мамлакатимиздаги даволаш-соғломлаштириш муассаса, институт ва ўқув марказларида, балки Ҳамдўстлик мамлакатларидаги тиббиёт муассасаларида олиб борилмоқда. Яқинда бир гуруҳ шифокорларимиз Москва санаторийларида малака ошириб, билим ва тажрибаларини янада мустаҳкамлашга муваффақ бўлишди. Бир сўз билан айтганда, мутахассисларимизнинг билим ва тажрибаси йилдан-йилга ошиб бораётир.

Кези келганда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан санаторийларимизнинг моддий-техник базасини кенгайтириш, замонага мос тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, юқори малакали, тор соҳали мутахассисларни тайёрлаш, ўқитиш ва қайта ўқитиш ишларида катта кўмак бериб келинаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қисқаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Курортлар бошқармасида барча ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилган, малакали мутахассислар етарли, табиат инъоми бўлмиш тоза ҳаво ва минералли сув эса заминимизда бисёр. Ана шу омиллар уйғунлигига эришсак, юртимиз санаторийлари худди Сочи, Ялта сингари жаҳонга танилган курорт-сиҳатгоҳлар билан бемалол беллашиши шубҳасиз.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**суҳбатлашди.** [t]

## Спорт • Sport • Спорт

### Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси финалга чиқди

***Саудия Арабистони яшил майдонларида бўлиб ўтаётган футбол бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати ярим финалига Ўзбекистон терма жамоаси йўл олганидан хабарингиз бор.***

Куни кеча ўтказилган ярим финал ўйинида Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари Жанубий Корея ёшлар терма жамоасига қарши баҳс олиб боришди. Кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган учрашувда вакилларимиз рақибларига қарши муносиб баҳс олиб бориб, финал йўлланмасига эга бўлишди.

Ўйин тақдирини учрашувнинг биринчи бўлимида киритилган гол ҳал қилди. Жамоамиз сардори Шерзод Каримов томонидан бажарилган жарима зарбасидан сўнг тўп кореялик ҳимоячига тегиб, дарвоза тўридан жой олди. Шундан сўнг, гарчи рақибларимиз ҳужумга зўр беришган бўлишса-да, терма жамоамиз аъзолари бир тану бир жон бўлиб, ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолишди.

Юксак ғалаба билан терма жамоамиз аъзоларини кўп минг сонли газетхонларимиз номидан табриклаймиз ҳамда финал ўйинида йигитларимизга ғалаба тилаймиз.

**Ф. АБИЛОВ.**

### Ҳамюртимиз Тинчлик кубоги соҳиби

***Россия Федерациясининг Тюмень шаҳрида каратэ бўйича ўсмирлар ўртасида Тинчлик кубоги халқаро мусобақалари ўз ниҳоясига етди.***

14 мамлакат спортчилари иштирок этган нуфузли мусобақада Андижон Олимпия захиралари спорт коллежининг талабаси Учқун Йўлдошев юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. У АҚШ, Озарбойжон, Россия, Австралия мамлакати спортчилари билан куч синашиб, ишончли ғалабаларни қўлга киритди. Ҳал қилувчи баҳсларда у малайзиялик рақибини енгиб, турнирнинг олтин медали ҳамда Тинчлик кубоги билан тақдирланди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади:**
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 18 октябрдан 7 ноябргача бўлган маълумот**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Инвестиция воситачилари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 26 сентябрдаги 2008-21-сонли буйруғи.*

**2008 йил 22 октябрда 1108-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 ноябрдан кучга киради).**

2. «Уюшган биржадан ташқари бозорда корпоратив қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир битимларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 24 сентябрдаги 2008-16-сонли буйруғи.*

**2008 йил 22 октябрда 1384-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 ноябрдан кучга киради).**

3. «Корпоратив қимматли қоғозлар билан репо битишувларни амалга ошириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 3 октябрдаги 2008-24-сонли буйруғи.*

**2008 йил 22 октябрда 1396-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 ноябрдан кучга киради).**

4. «Йўқ қилиш божхона режими тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 17 октябрдаги 01-02/12-55-сонли қарори.*

**2008 йил 27 октябрда 584-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 6 ноябрдан кучга киради).**

5. «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 19 октябрдаги 2008-42-сонли қарори.*

**2008 йил 4 ноябрда 1500-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 14 ноябрдан кучга киради).**

6. «Давлат фойдасига воз кечиш божхона режими тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 16 октябрдаги 01-02/8-54-сонли қарори.*

**2008 йил 4 ноябрда 695-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 14 ноябрдан кучга киради).**

7. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ–4042-сонли "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 31 октябрдаги 59, 105-сонли қарори.*

**2008 йил 5 ноябрда 1867-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 15 ноябрдан кучга киради).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби ҳақида йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1843, 2008 йил 16 август).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 5 ноябрдаги 224-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

***III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:***

1. Спектрал анализ лабораториялари ва пунктларини ўрнатиш ва уларни сақлаб туриш ишлари хавфсизлиги ишлари қоидалари. *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

2. Маъданли сув ва шифобахш балчиқ конларини қазиб олиш ва муҳофаза қилиш қоидалари. *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

3. Газдан хавфли ишларни хавфсиз олиб боришни ташкиллаштириш бўйича намунавий йўриқнома. *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

4. Аммиакли совутиш қурилмаларининг техник ҳолатини текшириш ва улардан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш бўйича услубий кўрсатмалар. *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

5. Бош ҳаво янгилаш вентилятор қурилмаларини эксперт текширувидан ўтказиш бўйича услубий кўрсатмалар. *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

6. Кўмир конларида тупроқдаги рельсли йўллардан хавфсиз фойдаланиш бўйича йўриқнома. *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.**

**Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

***IV. Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган норматив ҳужжатлар аниқланди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябрдаги 305-сонли, 1998 йил 31 декабрдаги 362-сонли, 1999 йил 29 мартдаги 99-сонли ва 2008 йил 12 майдаги 132-сонли буйруқлари.

**Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идораларга ушбу ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.**




**РАТБ «Ғаллабанк»**
томонидан 1 йиллик муддати билан
**«Омад» номли омонат турига**
маблағлар қабул қилинмоқда.

*Омонат муддати 2009 йил 1 январгача бўлиб, унга йиллик 18 фоиз миқдорида устама ҳисобланади ва устама фоизлари ҳар ойда капитализация қилиниб борилади.*

***«Ғаллабанк» — хонадонингизга барака келтирсин!***

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:**
**(+99871) 233-71-72, 236-74-30, 232-15-89.**
**www.gallabank.com** Хизматлар лицензияланган

**Омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Р. А. Тўхтабоевга отаси

**Асқар ТЎХТАБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекенгилсаноат" Давлат акциядорлик компанияси жамоаси бошқарув раисининг ўринбосари Шамсиддин Султоновга акаси

**Эргаш СУЛТОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси адабий алоқалар ва таржима назарияси бўлими собиқ етакчи илмий ходими, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор

**Жуманиёз ШАРИПОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 25557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.15 7